

“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“Шарқунжүмір” АЖ  
акциядорларининг 20да йил  
“30” май даги  
умумий інгілиш қарори билан  
БАЁННОМА №1



**“SHARG’UNKO’MIR” aksiyadorlik jamiyati**  
**Ижроия органи тұғрисидаги**  
**НИЗОМ**



## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур низом “SHARG’UNKO’MIR” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда - Жамият) ижроия органининг макомини белгилайди ва унинг фаолиятини, хукуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.
- 1.2. Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги конуни, амалдаги бошқа қонунчилик хужжатлари ва “SHARG’UNKO’MIR” aksiyadorlik jamiyati Уставига асосан ишлаб чиқилган.
- 1.3. Жамиятнинг ижроия органи - Бошқарув деб номланиб, 5 (беш) кишидан иборат бўлади. Жамиятнинг бошқаруви коллегиал ижроия органи бўлиб, унга ўз лавозимларига кўра жамият бошқарувининг раҳбари – бош директор, бош мухандис, жамият бош директорининг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари, бош ҳисобчи ва жамиятнинг асосий бўлинмалари бошликлари сайланиши (тайинланиши) мумкин.
- 1.4. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш бошқарув томонидан амалга оширилади.
- 1.5. Ижроия органи тўғрисидаги низом, унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдикланади.
- 1.6. Агар ушбу низомда келтирилган нормалар амалдаги қонунчилик ва жамият уставига зид келса, бундай ҳолатда амалдаги қонунчилик ва устав нормалари ҳақиқий ҳисобланади.

## 2. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

- 2.1. Жамият акциядорлар умумий йигилиши карорига кўра жамият бош директорини сайлаш (тайинлаш), коида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Бош директор лавозимига танлов ўтказиш тартиби, номзодга кўйиладиган талаблар Жамият кузатув кенгashi томонидан белгиланади. Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра бошқарув аъзоларини тайинлаш (сайлаш), коида тарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.
- 2.2. Бош директор ва бошқарув аъзолари уч йил муддатга сайланади (тайинланади), уларни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги карор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.
- 2.3. Бошқарув таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Кузатув кенгани раиси контракт тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун мукофотлаш мисдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдикланган контракт тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.
- 2.4. Бош директор ва бошқарув аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгashi мажлисида катнашишлари мумкин. Жамият Бош директори ва бошқарув аъзолигига номзод ўзининг жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида кузатув кенгashi аъзоларига маълум қилиши шарт.

2.5. Жамият Бош директори ва бошқарув аъзоларининг хуқук ва мажбуриятлари амалдаги қонун хужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг хар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида хар йили қарор қабул килинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашиниң раиси томонидан имзоланади. Жамият Бош директор ва бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш кандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисботларининг даврийлиги назарда тутилади.

2.6. Акциядорларнинг умумий йигилиши ва жамият Кузатув кенгаши бош директор билан тузилган шартномани, агар у ушбу шартнома шартларини, жамият уставини қўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракати (харакатсизлиги) билан жамиятта зарар етказса, у билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш хуқукига эга.

2.7. Жамият томонидан соликлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошка тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳаки ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, бош директор билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Жамият Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

2.8. Акциядорлар умумий йигилишининг бош директор билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги карори йигилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциядорларнинг - акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул килинади.

2.9. Кузатув кенгашининг бош директор ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги карори мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул килинади.

2.10. Акциядорлар умумий йигилиши ёки кузатув кенгаши томонидан жамият Бош директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг ваколатларини бошка шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йигилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият Бош директори вазифасини вактинча бажарувчи шахсни тайинлаган холда акциядорларнинг якин орадаги умумий йигилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

### **3. БОШҚАРУВНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

3.1. Бошқарув ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

- Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш (филиал ва ваколатхоналари раҳбарларидан ташқари);
- Жамият тузилмалари раҳбарлари хисботларини ҳар чорак якуни бўйича

эшитиш;

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эхтимоли билан боғлик битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича карор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс киймати бундай битимларни тузиш тўгрисидаги карор қабул килинаётган санадан олдинги хисбот санасига тузилган молиявий хисбот бўйича жамият соф активлари микдорининг 5 фоизидан 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошка қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлик бўлган битимлар бундан мустасно;

3.2. Бошқарув акциядорлар умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши карорларининг бажарилишини ташкил этади.

3.3. Бошқарув жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганади ва ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

3.4. Бошқарув аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши, жамият кузатув кенгаши, бошқарувнинг карорлари ва бош директорнинг кўрсатмалари доирасида харакат киладилар.

3.5. Бошқарув аъзоси жамият билан битим тузишда аффилланган (манфаатдор) эканлиги тўгрисида тузилиши кутилаётган битим ҳакидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўгрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт.

#### **4. БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Бош директор ўз фаолияти билан боғлик барча масалаларни ўз ваколати доирасида мустакил хал этади.

4.2. Бош директор бошқарув аъзолари билан биргаликда жамиятга қарашли шўъба корхоналар, филиаллар ва қарам хўжаликлар фаолиятини мувофикаштиради ва тартибга солади.

4.3. Бош директор куйидаги ҳуқукларга эга:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан катъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятнинг банк ва бошка молиявий хужжатларига биринчи имзолаш ҳуқуки билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошка ҳисобвараклар очиш;

- жамиятнинг мижозлари, шунингдек, бошка ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар тузиш;

- жамият номидан хужжатларни имзолаш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва маблагларини тасарруф этиш;

- ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиклаш;

- ходимларни ишга қабул килиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор килиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат конунчилигига ва меъёрий хужжатларига мувофик жамият ходимларига иш ҳакини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билан иштирок этиш коэффициентлари) белгилаш;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўрикномаларини тасдиқлаш;

- жамият номидан ишончномалар бериш;

- жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларини жамият номидан овоз бериш бўйича кўрсатма бериш;

- жамият хўжалик таваккалчилигини ва директорнинг жавобгарлигини сугурталашни амалга ошириш;

- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруклар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йигилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи ички меъёрий хужжатлар бундан мустасно;

- конунчиликда, жамият уставида ва меҳнат шартномасига мувофик бошка хукукларларни амалга ошириш.

#### 4.4. Бош директор мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишларини таъминлаш;

- бош директор ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чикилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш, уни ишончлигигини таъминлаш, йиллик ҳисботлар ва бошка молиявий ҳисботлар тегишли органларга, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вактида белгиланган тартибда тақдим этиш;

- хар чоракда йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, жамият томонидан амалга оширилган ҳаридлар тўғрисидаги Кузатув кенгашига ҳисбот бериш ва хар йили акциядорларнинг умумий йигилишида акциядорларга ҳисбот бериш;

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тўсикларсиз белгиланган тартибда тақдим этиш;

- жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сакланишини таъминлаш, шунингдек тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини Кузатув кенгаши томонидан белгилашни ташкиллаштириш;

- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, шунингдек ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва кобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- ўзининг ҳамда жамият мансабдор шахсларининг ўкув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини оширишни таъминлаш;

- меҳнат ва ички тартиб интизомига риоя қилиниши таъминлаш;

- ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- жамоа музокараларида ижроия органи вакилларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида катнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йигилишига ва жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- агар, жамият томонидан битим тузилишида у аффиланган шахс хисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор килиш;

- жамият мулкини бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошкалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шугулланишни факат кузатув кенгашининг тегишли қарори кабул килинганда амалга ошириш;

- акциядорларнинг умумий йигилишида катнашиш, дивидендлар хисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукукларига риоя килиш;

- жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги хужжатлар бутлигини таъминлаш;

- ички хужжатларга, амалдаги қонун хужжатларига ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофик бошқа мажбуриятларни бажариш;

4.5. Бош директор ва бошқарув аъзолари бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл кўйилади.

4.6. Бош директор ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, жамият устави, акциядорлар умумий йигилиши, кузатув кенгаш қарорлари хамда ушбу низомга мувофик амалга оширади.

4.7. Бош директорнинг аниқ хукуклари ва мажбуриятлари у билан келишилган ҳолда меҳнат шартномасида белгаланади.

4.8. Кузатув кенгаши жамиятнинг Бош директор билан тузилган шартномани, агар у шартнома шартларини бузган такдирда, жамият уставини кўпол тарзда бузганда ёки унинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилганда, жамият йиллик бизнес-режасининг тасдикланган параметрлари бажарилиши барбод қилинганда, жамиятнинг молиявий ахволи жиддий равища ёмонлашгандан давлат бюджети олдида баркарор қарздорлик пайдо бўлганда муддатидан илгари бекор қилиш хукукига эга.

4.9. Бош директор билан меҳнат шартномаси унинг ўз ҳохиши билан ҳам бекор қилиниши мумкин (бошқа ишга ўтиши, соглигининг ёмонлашуви ва бошка сабабларга кўра).

## 5. БОШҚАРУВНИНГ ИШ ТАРТИБИ

5.1. Бошқарувнинг мажлиси зарур ҳолларда, бирок бир ойда камида бир марта ўтказилади. Бошқарув томонидан кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йигилишига ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда акциядорлик жамиятининг бошқарув мажлисида олдиндан мухокама этилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади. Бошқарувнинг фикри хақида кузатув кенгашида ва акциядорларнинг умумий йигилишида бош директор ёки у томонидан ваколат берилган ижроия орган аъзоси ахборот беради ва химоя киласи.

5.2. Бошқарувнинг мажлисини Бош директор ёхуд кўриб чиқилаётган масалалар тегишлилиги бўйича бошқарув аъзоларидан бири олиб боради.

5.3. Бошқарувнинг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият бошқарув аъзолигига сайланган аъзоларнинг 80 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.4. Жамият бошқарувнинг мажлисида қарорлар мажлиса ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар бошқарув мажлисида овозлар тенг бўлса, Бош директорнинг овози ҳал қилувчи овозга эга.

5.5. Мажлиса баённома юритилади.

Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:  
мажлис ўтказилган сана, вакт ва жой;  
мажлиса ҳозир бўлган шахслар;  
мажлиснинг кун тартиби;  
овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;  
қабул қилинган қарорлар.

5.6. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлиса иштирок этаётган жамият бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар хисобланади.

## **6. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1. Бош директор ва бошқарув аъзолари ўз хуқукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар хисобланади.
- 6.2. Бош директор ва бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятга етказилган заарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига ва жамият уставига мувофик акциядорлик жамиятига етказилган заарарни коплаш бўйича тўлик ҳажмда акциядорлик жамияти олдида жавоб берадилар.
- 6.3. Бош директор ва бошқарув аъзолари уларга хизмат мавкеи билан берилган хукуклардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.
- 6.4. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари жамиятнинг мол-мулкини тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл кўймасликлари керак.
- 6.5. Бошқарув аъзолари аъзолик даврида фаолияти Жамият маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда кийинчилик тугдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш хукукига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси жамиятда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиши тўғрисида акциядорлик жамияти Кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.
- 6.6. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб, камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарарларни коплаш тўғрисида бошқарув аъзоларига ёки бошқарувнинг айрим аъзоларига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.
- 6.7. Бош директор ва бошқарув аъзолари жамият билан битим тузишида аффилланган (манфаатдор) эканлиги тўғрисидаги маълумотларни яширганлиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## **7. БОШҚАРУВГА ТЎЛАНАДИГАН МУКОФОТЛАР**

- 7.1. Бош директор ва бошқарув аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун тўланадига иш ҳаки ва бошка мажбурий тўловлар (командировка, касаллиги туфайли вактинча ишга ярокеизлик бўйича тўловлар, жамоа шартномасида кўзда тутилган тўловлар) билан биргаликда чорак якунлари ва йил якунлари бўйича ҳам мукофотлар тўланади.
- 7.2. Бош директор ва бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳак ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207–сонли қарори билан тасдикланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошка хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самараадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги ва 09.12.2020 йилдаги 775–сонли қарори билан тасдикланган “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самараадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги жамият фаолияти самараадорлигининг мухим кўрсаткичларини бажарилиши билан тўғридан-тўғри

боглиқ бўлади. Бунда, меҳнатга ҳак тўлашнинг ягона рагбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳаки ва чорак ҳамда йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

7.3. Чораклик мукофотлар Бош директор ва бошқарув аъзоларига жамият томонидан ўша чоракда бизнес-режанинг даромад ва соф фойда бўйича кўрсаткичлари бажарилган тақдирда, режадаги ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичлари ошириб бажарилганда, объектлар муддатидан аввал топширилганда, байрам муносабатлари билан ва бошқа холларда тўланиши мумкин.

7.4. Молиявий йил якунлари бўйича Бош директор ва бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофот йиллик бизнес-режанинг даромад ва соф фойда бўйича кўрсаткичлари оширилиб бажарилган тақдирдагина акциядорларнинг умумий йигилиши карорига асосан тўланиши мумкин. Бунда йил якунлари бўйича Бош директор ва бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофотнинг умумий миқдори йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Бош директор ва бошқарув аъзоларига тўланадиган мукофотлар жамиятнинг бизнес-режасининг харажатлар сметасида кўзда тутилади ва тўловлар учун манба сифатида жамиятнинг пул масалалари хисобланади.

## 8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу низом акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради.

8.2. Амалдаги конунчилик ва жамият уставига кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ушбу низомга кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

8.3. Низомга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳакидаги таклифлар акциядорларнинг йиллик ёки навбатдан ташқари умумий йигилиш кун тартибига масалалар киритиш тартиби асосида берилади.

8.4. Ушбу низомга киритилаётган кўшимча ва ўзгартиришлар белгиланган тартибда акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради.

8.5. Бошқарув фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ушбу низомда кўрсатилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.